

Масжидда Аллоҳ зикр қилинади

15:05 / 10.10.2019 2448

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга бавл қилган аъробийга: **«Масжидда бавл этиш ёки ифлослик қилиш дуруст эмас. Балки унда Аллоҳ зикр қилинади, Қуръон ўқилади»**, дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Баъзи соҳибларимиз айтишадики: «Ким масжидга кириб, таҳорати йўқлиги ёки иши зарурлиги туфайли «Таҳийятул масжид» намозини ўқий олмаса, тўрт марта **«Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи ва Лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар»**, деб айтиши мустаҳабдир.

Баъзи салаф олимлари шундай қилишган. Унда зарар йўқдир.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан